

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**Э.Р.ҚОДИРОВА
М. К. РАШИДОВА**

**АХЛОҚШУНОСЛИК, ЭСТЕТИКА, МАНТИҚ.
фанидан**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

I БЎЛИМ

Тошкент - 2011

**Э.Р.Қодирова, М.Рашидова “Ахлоқшунослик, Эстетика,Мантиқ.”
фанларидан Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: – 2011.**

Мазкур мажмуада “Этика.Эстетика.Мантиқ.” фанидан ишчи ўқув дастури, таълим технологияси, амалий машғулотлар учун кейс-стади ва лойиха, назорат турлари учун тайёрланган топшириқлар вариантлари, тест саволлари, фандан умумий назорат саволлари ва изохли луғат жамланган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари педагог ўқитувчилари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар ҳамда “Ахлоқшунослик.Эстетика. Мантиқ..” фанига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар:

Ф.ф.н.,доцент Э.Р.Қодирова
кат. ўқитувчи М.Рашидова

Тақризчилар: ф.ф.д., профессор Э.У.Умаров
фалсафа фанлари номзоди Б.Э.Хусанов

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент архитектура–қурилиш институти Илмий Кенгашининг 2011 йил “ ” -сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

1.	Ўқув дастури.....	4
2.	Ишчи ўқув дастури.....	43
3.	Баҳолаш мезони	67
4.	Календар режа	76
5.	Ахлоқшунослик фанидан маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари	78
6.	Эстетика фанидан маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари	104
7.	Мантиқ фанидан маъруза ва амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари.....	146

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**«ТАСДИҚЛАНДИ»
ЎзР.ОЎМТВ
Ваз.ўр. _____ Ш.Аюпов
2004 йил «17» август**

«Ахлоқшунослик» фанидан намунавий

Д А С Т У Р

(бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ - 2004

Ушбу дастур «Ахлоқшунослик» фанидан бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талаблар бакалавр талабаларининг фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши, нималарни бўлиши кераклиги, қандай кўникмалар ҳосил қилиши лозимлигини ўз ичига олади.

Ушбу намунавий дастур шу фанга оид ишчи ўқув дастури, Йиллик тақвимли режалари, мавзули дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш учун тавсия этилади. Намунавий дастурни келажакда тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 700070. Ш.Руставели кўчаси, 25, ОЎМКХТРМ «Маънавият ва маърифат» бўлими, тел.: 136-39-20.

Мазкур дастур намунавий дастур сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртларининг илмий-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 29 мартдаги мажлиси қарори билан тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи масъуллар:

проф. Нишоналиев У., Хамдамова МЛ.

Тузувчи: ЎзМУ доценти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдулла Шер

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, проф. Э.Умаров,
фалсафа фанлари номзоди, доц. Т.Норбоев

«Ахлоқшунослик» курсининг мазкур ўқув дастури олий таълимнинг нофалсафий бакалаврият мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, талабаларга ахлоқшунослик тарихи ва назариясидан замонавий билим беришга ҳамда уларни юксак ахлоқ эгаси қилиб тарбиялашга йўналтирилган.

Мазкур дастурда умумий дарс соатлари ҳажми ўзгаргани баробарида семинар машғулотларига катта ўрин ажратилган. Ўқув турлари — маърузалар, семинар машғулотлари, мустақил таълим ҳажми ҳар бир ишчи дастурда муайян олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятлари ва ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ. Шу боис маърузалар ва семинар машғулотлари мавзулари ўқитувчига танлаш имконини қолдирадиган тарзда, кўрсатилган ҳажмга нисбатан кенгроқ қилиб берилмоқда. Бу, шубҳасиз, талабаларнинг ҳам, муайян ўқитувчининг ҳам ўз устида фаол ишлашини, доимо ижодий изланишда бўлишини таъминлайди. Шунингдек, дастур мазмунан «Ахлоқшунослик» курсининг бошқа фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан мувофиқлашувини таъминлашга қаратилган. Унда талабаларда энг янги адабиётлардан, асл манбалар ва муҳим хорижий нашрлардан фойдаланиш кўникмасининг такомиллашувига алоҳида эътибор берилган.

1. СЎЗ БОШИ

1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

Бакалавр «Ахлоқшунослик» фани бўйича:

Ахлоқшунослик фанининг ахлоқ фалсафаси сифатидаги моҳияти, унинг илмий - амалий аҳамияти;

- ахлоқнинг таркиби ва вазифалари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши лозим.***

Ахлоқшуносликнинг асосий тушунча ва тамойилларини;

- ахлоқнинг иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ билан ўзаро муносабатини;
- «Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги» эканини, замонавий комил инсонни тарбиялашда ахлоқшунослик эришган ютуқларни ***билиши зарур.***

Шахс хулқ-атвори маданиятини шакллантириш;

- шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётда ўз-ўзини ҳамда ўзгаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ***қўникмасига эга бўлиши лозим.***

Ахлоқшунослик фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг ***мақсади*** ахлоқ ва ахлоқий тафаккурнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини, ахлоқнинг давлат, фуқаролик жамияти, шунингдек, шахс ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтиришга қаратилган.

Ахлоқшунослик фанининг ***вазифалари:***

- олий қадрият бўлмиш ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, унинг ҳаётдаги юксак мавқеини талабалар онгига сингдиришдан;

- ҳалол, пок, ростгўй мутахассислар бўлиб етишишда ахлоқ ва одобнинг аҳамиятини талабаларга теран аңлатишдан;

- ***ахлоқшунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, чуқур илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона ҳолислик тамойилларига амал қилишдан;***

- маъруза ва семинар машғулотида, мустақил таълим жараёнларида талабаларнинг имкон борича кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига эришишдан иборат.

Ахлоқшунослик фанининг ***аҳамияти*** унинг талабаларда эзгуликка эътиқод, Ватанга, миллатга, инсониятга муҳаббат хиссини шакллантириши ва юксак даражага кўтариши ҳамда ёшларнинг комил инсон бўлиб етишувларига кўмаклашиши билан белгиланади.

Ахлоқшунослик курсининг умумий ўқув ҳажми 20 соат, шундан 10 соат маъруза ва 10 соат семинар учун мўлжалланган; мустақил таълимга эса умумий ҳажмнинг 20 фоизи миқдоригача соат ажратиш мақсадга мувофиқ.

1.2. «Ахлоқшунослик» курсининг соатлар тақсимоти

№	Мавзулар	Маъ- руза	Семи- нар
1.	Ахлоқшуносликнинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари	2	2
2.	Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари (Қадимги дунё, Ўрта асрлар, янги давр)	3	2
3.	Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари		1
4.	Ахлоқнинг келиб чиқиши, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқ тузилмаси	1	1
5.	Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари	1	1
6.	Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар	1	1
7.	Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари	1	1
8.	Ахлоқий маданият ва касбий одоб	1	
9.	Шахс ахлоқий тарбияси		1
	Жами:	10	10

МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

II.1. Фаннинг мазмуни

1-мавзу. Ахлоқшуносликнинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари

Ахлоқшунослик - ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан экани. Унинг уч ахлоқий ҳодиса - одоб, ҳуқ ва ахлоқни узвий маънавий босқичлар сифатида ўрганиши. Ахлоқшуносликнинг фан сифатида тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий, мезоний-меъерий хусусиятларга эгалиги.

Ахлоқшуносликнинг замонавий фанлар билан алоқаси: ахлоқшунослик ва фалсафа; ахлоқшунослик ва эстетика; ахлоқшунослик ва диншунослик; ахлоқшунослик ва ҳуқуқшунослик; ахлоқшунослик ва миллий истиқлол ғояси; ахлоқшунослик ва рухшунослик; ахлоқшунослик ва педагогика; ахлоқшунослик ва сиёсатшунослик; ахлоқшунослик ва экология.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ахлоқшуносликнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни. Ватанпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар, ҳалол шахсни - замонавий баркамол инсонни вояга етказиш ва XXI асрда умумжаҳон миқёсида этосферани (ахлоқий муҳитни) яратишга хизмат қилиш ахлоқшунослик фанининг энг долзарб вазифаларидан экани.

2-мавзу. Ахлоқий тафаккур таракқиётининг асосий босқичлари

Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккурнинг бешиги сифатида; Сомир (Шумер), Бобил ва қадимги Мисрдаги ахлоқий қарашлар; «Авесто» - Турон ва Эрон халқлари ахлоқий қонун-қоидаларининг қадимий мажмуи сифатида; монавийлик ёдгорлиги «Хуастуанифт»нинг эътиқодий-ахлоқий хусусиятлари.

Қадимги Ҳинди-Хитой минтақасидаги ахлоқий қарашлар; буддавийлик ва даочи-донишмандларнинг ахлоқийлик тўғрисидаги фикрлари; Конфуций ахлоқий таълимотининг ўзига хос жиҳатлари.

Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослиги: Сукрот ва Афлотуннинг ахлоқий қарашлари; Арасту - ахлоқ фалсафасининг назарий асосчиси сифатида; Эпикурнинг ахлоқий таълимоти.

Қадимги Румо ахлоқшунослиги (Тит Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет).

Қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослигининг аҳамияти.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқшунослигида асосий йўналишларнинг вужудга келиши: диний-ҳадисий йўналиш ахлоқшунослиги (Ал-Бухорий, Ат-Термизий); машшоййун файласуфларнинг ахлоқий таълимотлари (Форобий, Ар-Розий, Ибн Сино, Ибн Рушд); тасаввуфнинг ахлоқ фалсафаси сифатидаги моҳияти (Ғаззолий, Румий); Азизиддин Насафийнинг комил инсон концепцияси.

Темур ва темурийлар даври ахлоқшунослик ва унда тасаввуфий йўналишларнинг устуворлиги; Навоий ва Жомийнинг ахлоқий қарашлари; Кошифий ва Давонийнинг ахлоқий талқинлари.

Машҳур пандномалар ва уларнинг ахлоқшунослик тарихида тутган ўрни; уларнинг тажрибавийлик хусусияти, юксак бадиияти ва улкан тарбиявий аҳамияти.

Ўрта асрлар Оврупа ахлоқшунослиги ва уйғониш даври ахлоқий таълимотлари (Балла, Монтен, Макиавелли).

Янги давр ахлоқшунослигининг тадрижийлик хусусияти; ундаги рационал ва сенсуал йўналишлар (Спиноза, Локк, Шэфтсбери); олмон мумтоз ахлоқшунослиги (Кант, Шеллинг, Гегель, Фейербах) ва нораціонал йўналишларнинг кенг ёйилиши (Кант, Киркегаард, Шопенхауэр, Нитцше). XIX аср охири ва XX аср бошларида рус мумтоз ахлоқшунослигининг вужудга келиши (В.Соловьёв, Н.Лосский, Н.Бердяев, И.Ильин).

Энг янги давр ахлоқшунослигидаги асосий йўналишлар. Рухий таҳлил, экзистенциячилик, ғайри зўравонлик, ҳаётга эҳтиром, тасаввуф ахлоқшунослиги (З.Фройд, Э.Фромм, К.Ясперс, Ж.-П.Сартр, М.Ганди, М.Кинг, А.Швайцер, Кутку, Жушан).

3-мавзу. Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари

Туркистонда жадидлик ҳаракатининг вужудга келиши ва унинг миллий озодлик мафқурасига асосланганлиги. Аҳмад Дониш, Абай ва Анбар Огин ахлоқий тамойилларининг ўзига хос, янгича жиҳатлари; уларда жадидлик ғояларининг яққол кўзга ташланиши.

Абдулла Авлонийга мансуб «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Фитратга мансуб «Оила» асарларининг ахлоқий моҳияти; улар ахлоқий қарашларининг миллий ғоя ва мустақиллик мафқураси билан уйғунлашиб кетганлиги.

Жадид-маърифатчиларнинг Ватан ва миллат фидойилари сифатидаги аҳамияти; жадид матбуотининг миллий ахлоқий тарбия борасидаги хизматлари.

4-мавзу. Ахлоқнинг келиб чиқиши, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқ тузилмаси

Ахлоқнинг фақат инсонгагина ато этилган маънавий неъмат сифатидаги аҳамияти. Унинг келиб чиқиши борасида динийлик ва даҳрийлик билан боғлиқ икки хил қарашнинг мавжудлиги. Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари. Инсоният тарихидаги дастлабки ахлоқий қонун-қоидаларнинг вужудга келиши ва такомиллашиб бориши. Ахлоқий равнақ муаммоси ва унинг бахсли жиҳатлари.

Ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий англаш ёхуд ахлоқий онг ва унда урф-одатлар ҳамда анъаналарнинг ўрни; ахлоқий хиссиётнинг ўзига хос рухий кечинма экани; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири.

«Ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги» экани. Ахлоқнинг бошқа маънавий тузилмалар билан ўзаро алоқалари: ахлоқ ва дин; ахлоқ ва ҳуқуқ; ахлоқ ва санъат; ахлоқ ва сиёсат; ахлоқ ва фан; ахлоқ ва Мафкура; ахлоқнинг маънавият тизимидаги бирлаштирувчилик хусусияти.

5-мавзу. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари

Ахлоқшуносликдаги фазилат ва иллат атамаларининг кутб тушунчалар сифатидаги моҳияти;

Ахлоқшунослик тушунчалари ибтидосининг ахлоқий хиссиётга бориб тақалиши. Муҳаббат - ахлоқшуносликнинг энг қамровли мезоний тушунчаси (категорияси) сифатида. Муҳаббатнинг турлари: Аллоҳга, Ватанга, миллатга, ота-онага, фарзандга, инсониятга, гўзаликка муҳаббат. Муҳаббат ва нафрат.

Эзгулик мезоний тушунчаси; эзгулик ва ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик, эзгулик ва ёвузлик. Яхшилик тушунчаси ва унинг эзгуликдан фарқи; яхшилик ва ёмонлик. Адолат, бурч, виждон, номус, идеал, ҳаётнинг маъноси, бахт тушунчалари.

6-мавзу. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар

Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг амалиётда намоён бўлиши; уларнинг бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқлиги: ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрқпарварлик, фидойилик, зиёлилик, меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик, жўмардлик, ўзбекчилик, меҳмондўстлик.

Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг ахлоқий талаб шакллари сифатидаги моҳияти: ҳалоллик ва нопоклик, тўғрилиқ ва эгрилик, ростгўйлик ва ёлғончилик, инсофлилик ва инсофсизлик, хушфеъллилик ва бадфеъллилик, ширинсуханлик ва қўполлик, камтаринлик ва мақтанчоқлик в.х.

Ахлоқий тамойиллар ва меъёрларнинг шахс ва жамият тараққиётидаги аҳамияти.

7-мавзу. Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари

Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани; никоҳ ва муҳаббат, никоҳ ва ҳуқуқ, никоҳ ва дин. Оила маънавий-ижтимоий муҳит сифатида; оилада эркак ва аёлнинг ўрни; оиланинг илк тарбия маскани экани; ота-оналик ва фарзандлик бурчлари; оила бузилиши ва унинг оқибатлари.

Фуқаролик жамиятининг оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич экани; ундаги ўз-ўзини бошқариш тизимининг аҳамияти; фуқаролик жамиятининг табақаланиши ва унда меҳнатнинг ўрни.

Давлатнинг ўз ичида оила ва фуқаролик жамиятини тақозо этувчи, ахлоқийликни юксалтирадиган институт сифатидаги аҳамияти; унинг ижтимоий бирдамликни мустаҳкамловчи омил тарзида халқ умумий руҳини акс эттириши; давлат мустақиллиги тушунчасининг ахлоқий талқини.

8-мавзу. Ахлоқий маданият ва касбий одоб

Ахлоқий маданият - ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилма сифатида; муомала одоби ва унинг ахлоқий меъёрларда ўзини намоён қилиши; этикет ва унинг қатъий қонун-қоидалар мажмуи тарзидаги хусусияти.

Касбий одоб ва унинг ахлоқий маданият тузилмасидаги ўрни; унда касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатларининг инъикос этиши; олим одоби, журналист одоби, ҳуқуқшунос одоби, шифокор одоби, педагог одоби, инженер одоби, тадбиркорлик ва савдо ходими одоби ва ҳ.к.

9-мавзу. Шахс ахлоқий тарбияси

Ахлоқий тарбия ва унинг инсонни шахс сифатида камолотга етказувчи узлуксиз жараён экани; унинг ақлий ва жисмоний тарбия билан уйғунлиги; экологик тарбиянинг ахлоқий асослари.

Замонавий ахлоқий тарбиянинг асосий воситалари ва йўллари; унда анъанавий ва янгича усулларнинг қўлланилиши; шахс тарбиясида санъат ва матбуотнинг роли; унда жамият, жамоа ва оиладаги намунавийлик тамойилининг ўрни.

II.2. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ ВА РЕФЕРАТЛАР МАВЗУЛАРИ

II.2.1. Семинар машғулотлар мавзулари

1. Ахлоқшуносликнинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари.
2. Қадимги Шарқдаги дастлабки ахлоқий ғоялар.
3. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи минтақасидаги ахлоқий таълимотлар.
4. Янги давр ахлоқшунослиги.
5. Ахлоқнинг келиб чиқиши, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқ тузилмаси.
6. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари.
7. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар.
8. Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари.
9. Ахлоқий маданият ва шахс ахлоқий тарбияси.

II.2.3. Туркум рефератлар мавзулари

1. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари (даврлар ва мутафаккирлар ахлоқий таълимотлари бўйича).
2. Касбий одоб муаммолари (олим одоби, журналист одоби, инженер одоби, шифокор одоби в.х).
3. Миллий урф-одатларнинг ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар билан мутаносиблиги (туй, оилавий байрамлар ва бошқа маросимларнинг ахлоқийлик мезони).
4. Замонавий комил инсон шахси муаммоси (талабаларнинг индивидуал ёндашуви).

III. ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

III.1. Асосий адабиёт

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2001.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., 1995.
3. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий меъзони бўлсин. Т., 1994.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
5. А.Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
7. Шер А. Ахлоқшунослик. Т., 2000.
8. Аристотель. Никомахова этика; большая этика // Аристотель. Сочинения в 4-х томах, т-4. М., 1983.
9. Словарь по этике. М., 1989.

III.2. Қўшимча адабиёт

1. «Авесто». Аша Алқови. «Соғлом авлод учун журнали», 1996 йил, 5-6 сонлар.
2. Жомий. Баҳористон. Т., 1997.
3. Й.Жумабоев Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., 1998.
4. Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-Муфрад. (Адаб дурдоналари). Т., 1990.
5. Кайковус. Қобуснома. Т., 1994.
6. Н.Комилов. Комил инсон-миллат келажаги. Т., 2001.
7. Навоий. Маҳбуб ул-қулуб // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 14-том, Т., 1998.
8. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994.
9. Саъдий Гулистон. Т., 1968.
10. Фитрат. Оила. Т., 1999.
11. Форобий. Фозил шаҳар одамлари. Т., 1993.
12. Шер А. Ибрат Кўзи «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил 7-8,9-10-сонлар.
13. Шер А. Тасаввуф, Ғаззолий ва ғўзаллик фалсафаси. «Соғлом авлод учун» журнали, 2002 йил, 2-сон.
14. Файбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умир. Толибнома. Т., 1996.
15. Ар-Рази Абу Бакр. Духовная медицина. Душанбе, 1990.
16. Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. М., 1980.
17. Гегель Г. Философия права. М., 1990.
18. Кант И. Из лекции по этике // Этическая мысль 1988, 1990. М., 1988, 1990.

19. Ницше Ф. По ту сторону добра и зла; К генеалогии морали // Ф. Ницше. Сочинения 2-х томах, т-2. М., 1990.
20. Фромм Э. Душа человека. М., 1992.
21. Шопенгуаэр А. Идеи этики; Афоризмы житейской мудрости. // А.Шопенгуаэр. Избранные произведения М., 1992.
22. Bayrakdar M. Tasavvuf ve modern bilim. Istanbul, 1989.
23. Gosan E. basari yolinda sevginin gucu. Istanbul, 1987.
24. Schiller. Die Schaubuhne al seine moralische Anstalt betrachtet. // Schillers Werke. In funf banden. Erster band. Berlin und Wiemer, 1969.
25. Schweitzer A. Aus meinem leben und Denken. Leipziq, 1960.
26. Watt. Montgomery W. The influence of islam on medieval Euroupe. Edinburg, 1972.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

«ТАСДИҚЛАНДИ»
ЎзР.ОЎМТВ

Ваз.ўр._____Ш.Аюпов
2004 йил « 17 » август

«Эстетика» фанидан намунавий

Д А С Т У Р

(бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ – 2004

Ушбу дастур «Эстетика» фанидан бакалавриат талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талабларнинг бакалавр талабалари фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши, нималарни билиши кераклиги, қандай кўникмалар ҳосил қилиши лозимлигини ўз ичига олади.

Ушбу намунавий дастур шу фанга оид ишчи ўқув дастури, йиллик таквимли режалар, мавзули дастурлар, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш учун тавсия этилади. Намунавий дастурни келажакда тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сураймиз:

**Тошкент шаҳар, 700070, Шота Руставели кўчаси 25, ОЎМКХТРМ
Маънавият ва маърифат бўлими, тел.: 136-39-20.**

Мазкур дастур намунавий дастур сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртинининг илмий-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 29 мартдаги мажлиси қарори билан тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи масъуллар:
проф. Нишоналиев У., Ҳамдамова М.З.

Тузувчи: ЎЗМУ доценти, Ўзбекистон
Ўзувчилар уюшмаси аъзоси Абдулла Шер

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори, проф. Э.Умаров,
фалсафа фанлари номзоди, доц. Т.Норбоев.

«Эстетика» курсининг мазкур ўқув дастури олий таълимнинг нофалсафий бакалавриат ихтисосликларига мўлжалланган бўлиб, талабаларга эстетика тарихи ва назариясидан замонавий билим беришга ҳамда уларнинг эстетик дидини юксалтиришга йўналтирилган.

Мазкур дастурда, умумий дарс соатлари ҳажми ўзгаргани баробарида семинар машғулотларига катта ўрин ажратилган. Ўқув турлари - маърузалар, семинар машғулотлари, мустақил таълим ҳажми ҳар бир ишчи дастурда муайян олий ўқув юртининг хусусиятлари ва ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ. Шу боис маърузалар ва семинар машғулотлари мавзулари ўқитувчига танлаш имконини қолдирадиган тарзда, кўрсатилган ҳажмга нисбатан кенгрок қилиб берилмоқда. Бу, шубҳасиз, талабаларнинг ҳам, муайян ўқитувчининг ҳам ўз устида фаол ишлашини, доимо ижодий изланишда бўлишини таъминлайди. Шунингдек, дастур мазмунан «Эстетика» курсининг бошқа фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан мувофиқлашувини таъминлашга қаратилган. Унда талабаларда энг янги адабиётлардан, асл манбалар ва муҳим хорижий нашрлардан фойдаланиш кўникмасининг такомиллашувига алоҳида эътибор берилган.

1. СЎЗ БОШИ

1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

Бакалавр «Эстетика» фани бўйича:

Эстетиканинг гўзаллик, санъат ва тарбия фалсафаси сифатидаги моҳияти, унинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида ***тасаввурга эга бўлишлари керак.***

Эстетик тафаккур тараққиёти, эстетик онгнинг моҳияти ва таркиби, эстетик фаолият, эстетиканинг асосий тушунчаларини;

– санъатнинг моҳияти, вазифалари ва эстетик-бадний тарбия вазифалари ва турлари тўғрисида назарий билимга эга бўлиши;

– ҳар жихатдан баркамол фуқаролик жамияти аъзоси, замонавий шахсни тарбиялашда эстетика эришган ютуқларнинг катта ўрин эгаллашини ***билиши лозим.***

Атроф-муҳитни, инсон хулқини гўзаллаштириш ҳамда ўзи ва ўз замондошларини эстетик жихатдан тарбиялай олиш ***тажрибасига эга бўлишлари лозим.***

Эстетика фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг ***мақсади*** эстетик тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиётини, санъатдаги, турмушдаги, саноатдаги, табиатдаги нафосатнинг, гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтиришга қаратилган;

Эстетика фанининг вазифалари:

- эстетик қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жихатларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришдан;

- талабаларда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантиришдан;

- талабаларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини ўқитишдан, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилишдан;

- техника эстетикаси ва унинг амалий кўриниши бўлмиш дизайннинг саноатни гўзаллаштиришдаги, эркин, демократик жамият тараққиётидаги бекиёс аҳамиятини талабаларга англатишдан;

- эстетика фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона ҳолислик тамойилларига амал қилишдан;

- маъруза ва семинар машғулотларида, мустақил таълим жараёнларида ёшларни имкон борича кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига эришишдан иборат.

Эстетика фанининг ***аҳамияти*** талабаларнинг шахс сифатида ҳам, фуқаролик жамияти аъзоси сифатида ҳам - ҳар жихатдан гўзалликка ошно, юксак эстетик дид эгаси қилиб тарбиялашга улкан ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Эстетика курсининг умумий ўқув ҳажми 20 соат, шундан 10 соат маъруза ва 10 соат семинар учун мўлжалланган; мустақил таълимга эса умумий ҳажмининг 20 фоизи миқдорида соат ажратиш мақсадга мувофиқ.

1.2. «Эстетика» курсининг соатлар тақсимоти

№	Мавзулар номи	Маъруза	Семинар
1.	Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари	2	2
2.	Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари (қадимги дунё, ўрта асрлар, янги давр)	3	2
3.	Туркистон маърифатчи-жадидларининг эстетик қарашлари		1
4.	Эстетик онг ва эстетик фаолият	1	1
5.	Эстетиканинг асосий тушунчалари	1	1
6.	Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти	1	1
7.	Санъат турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги	1	1
8.	Бадий ижод жараёни	1	
9.	Бадий ижод жараёни, бадий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия		1
	Жами	10	10

II. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

II. 1. ФАНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу. Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари

Эстетика - нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан. Эстетика фани тадқиқот доирасининг миқёсийлиги ва кўпёқламаллиги. Эстетиканинг фалсафий моҳияти. Эстетика ва санъат; ўз тадқиқот объектига фалсафий ёндашув - эстетикани санъатшунослик фанларидан фарқлантириш турувчи ўзига хос хусусият. Эстетика - санъат ва бадий ижод соҳасидаги умумий қонуниятлар ҳамда эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) тизими сифатида.

Эстетиканинг бошқа замонавий фанлар билан алоқаси; эстетика ва фалсафа; эстетика ва ахлоқшунослик; эстетика ва психология; эстетика ва социология; эстетика ва диншунослик; эстетика ва педагогика; эстетика ва экология ва ҳаказо.

2-мавзу. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари

Эстетик тафаккурнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш - эстетика тарихининг асосий мақсади. Сомир (Шумер), Бобил ва Мисрда дастлабки эстетик ғояларнинг шаклланиши; «Авесто»нинг фалсафий-эстетик моҳияти; Ҳинди-Хитойдаги эстетик қарашлар ва санъат тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари.

Юнонистон файласуфлари Сукрот ва Афлотуннинг эстетик қарашлари; Арастунинг эстетик таълимоти; «Мимесис» (тақлид) ва «катарсис» (фориғланиш) тушунчаларининг аҳамияти; Қадимги Румо эстетикаси (Ҳораций Флакк, Тит Лукреций Кар, Боэций).

Умумжаҳоний динлар ва уларнинг санъат билан ўзаро ҳамкорлиги. Санъат турларининг шаклланиши ва тараққий этишида диннинг аҳамияти.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетикасида машшойийунлик йўналиш-ларининг қарор топиши (Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём) ва тасаввуф эстетикасининг вужудга келиши; (Ғаззолий, Румий)

Амир Темур ва темурийлар даври - ўрта асрлар мусулмон Шарқи санъати тараққиётининг олтин даври сифатида; Навоий, Жомий, Бобур, Хусайн Бойқаронинг эстетик қарашлари; мусиқа ва шеър санъати эстетикаси тараққиётининг юксак босқичга кўтарилиши.

Ўрта асрлар буддавийлик Шарқи эстетикасининг алоҳида хусусиятлари; даочилик ва конфуцийчилик эстетик таълимотларининг Хитой санъатидаги ўрни; Чан-буддхачилик эстетикаси (Сэ Хэ, Ван Вэй, Су Ши). ўрта асрлар Хитой эстетикасининг минтақавий аҳамияти Япон эстетикаси ва унинг асосий тушунчалари. Хэйян даври эстетикаси (IX-XII асрлар). Ноо театри ва Дзеами Мотокиёнинг театр эстетикаси; чой таомили эстетикаси; тош боғлар эстетикаси; гулчилик санъати (икэбана).

Оврўпа маърифатпарварлари эстетикаси (Бёрк, Щюм, Дидро). XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги Олмон мумтоз эстетикаси (Кант, Шиллер, Шеллинг, Хегел);

Норационал эстетик йўналишнинг қарор топиши (Кикегард, Шопэнхауэр, Нитцше); XIX аср охири ва XX аср бошларидаги рус мумтоз эстетикаси (Л.Толстой, Ф. Достоевский, В. Соловьёв, Н. Бердяев).

Энг янги давр эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари; рухий таҳлид, экзистенциячилик, ҳаёт фалсафаси, янги кантчилик ва бошқа йўналишлар эстетикаси (К.Юнг, Э.Фромм, К. Ясперс, Ж.-П. Сартр, И.Хуйзинга, Хосе Ортега-и-Гассет, О.Шпенглер).

3-мавзу. Туркистон маърифатчи-жадидларининг эстетик қарашлари

Туркистонда жадидлик маърифий-ижтимоий ҳаракатининг вужудга келиши; зиёлилар орасида маърифатчилик ва эстетик ғояларнинг оммалашуви. Жадидчиликнинг моҳиятан ахлоқий-эстетик оқим экани.

Фурқат ва Анбар отининг эстетик қарашлари; Беҳбудий, Ҳамза ва Айнийнинг замонавий санъат турлари ва жанрларга му-рожаат қилиши.

Жадид театрининг вужудга келиши; сўз санъати ва театр эстетикаси. Фитрат ва Чўлпоннинг эстетик қарашлари -жадидчилик эстетикасининг юксак поғонаси сифатида.

4-мавзу. Эстетик онг ва эстетик фаолият

Эстетиканинг қадриятшунослик табиати. Эстетик онг ва унинг индивидуаллик хусусияти; эстетик онгнинг асосий унсурлари: эстетик эҳтиёж ва эстетик муносабат; эстетик туйғу ва эстетик дид; эстетик баҳо ва эстетик идеал; эстетик қарашлар ва эстетик назариялар.

Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури сифатида; меҳнат ва санъатнинг ўзаро алоқалари; хунарнинг эстетик вазифалари. Дизайн ва унинг эстетик моҳияти; Атроф-муҳитни гўзаллаштиришнинг замонавий муаммолари.

Табиатнинг гўзаллик ва улугворлик манбаи экани, унинг эстетик фаолият объекти сифатида намоён бўлиши; эстетика ва экологиянинг ҳамкорлиги ва бу ҳамкорликнинг долзарб муаммоларининг муштараклиги.

5-мавзу. Эстетиканинг асосий тушунчалари

Эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) - эстетик билишнинг муҳим омили сифатида. Нафосат - Эстетиканинг энг камровли муштарак мезоний тушунчаси.

Гўзаллик тушунчаси; гўзаллик ҳақидаги тасаввурнинг ўзгарувчанлиги; гўзалликка сифатнинг таъсири; гўзаллик ва манфаат; гўзалликнинг санъатда намоён бўлиши; гўзаллик ва хунуклик.

Улугворлик тушунчаси; улугворликнинг фавқулодда салбий ҳиссиётларга асосланиши; улугворликка сон ва миқёснинг таъсири; табиатдаги улугворлик; улугворликнинг санъатда намоён бўлиши; улугворлик ва тубанлик.

Фожиавийлик тушунчаси. Фожиавий тукнашув ва унинг асослари; фожиавийлик ва эстетик идеал; фожмавийликнинг санъатда намоён бўлиши; фожиа (трагедия) - санъат жанри сифатида; фожиавий зиддият ва фожиавий қаҳрамон. Фориғланиш.

Кулгилилиқ мезоний тушунчаси; кулгили ҳолат; кулги ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни; ҳазил ҳисси; кулгилилиқнинг санъатда намоён бўлиши ва унинг ифода шакллари (ҳажв, мутоиба, киноя, кесатик, истехзо); кулги (комедия) - санъат жанри сифатида; кулгининг фориғлантириш хусусияти. Эстетик мезоний тушунчаларнинг ўзаро алоқалари.

6-мавзу. Санъатнинг келиб чиқиши ва таракқиёти

Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти; санъатнинг фандан фарқи ва уларнинг умумий жиҳатлари; санъатнинг ҳаётни инъикос

эттириш ва баҳолаш хусусияти; санъатда ўйин назариясининг аҳамияти; ўйин ва бадиий ижод; эстетик кўриниш ва ўйин.

Санъатда ҳаётий ҳақиқат ва шартлилик; унда миллий руҳ ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни. Санъат ва ахлоқ; санъат ва дин; санъат ва меҳнат; санъат ва сиёсат; санъат ва фалсафа; санъат ва техника; санъат ва мафкура. Санъат психологияси. Санъат социологияси.

Санъат асарида бадиий образ; унда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг яхлит намоён бўлиши; Санъатда типиклаштириш ва идеаллаштириш. Санъат асарида шакл ва мазмун. Санъатда мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция, усул ва услубий шакллар.

7-мавзу. Санъат турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Санъатнинг турларга бўлиниши; турдош санъатлар ва жанрлар. Эстетика тарихида санъат турларини туркумлаш муаммоси.

Санъат турлари: бадиий адабиёт, халқ амалий санъати, меъморлик, рассомлик, хайкалтарошлик, театр, мусиқа, бадиий сураткашлик, хаттотлик, эстрада ва цирк, кино, аския, кушиқчилик ва рақс, нотиклик, кироат санъати (бадиий ўқиш).

Санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги ва нисбий мустақиллиги; ҳар хил санъат турлари мафкуравий таъсирининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари.

8-мавзу. Бадиий ижод жараёни

Бадиий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари; Ғоявий ният ва унинг рўёбга чиқиши; ижод жараёнида билим ва эҳтирос, онгланган ва онгланмаган ҳолатларнинг уйғунлашиб кетиш хусусиятлари; унда бадиий тасаввур, ҳаёлот, интуиция (фаҳм) ва илҳомнинг аҳамияти.

Бадиий қобилият, истеъдод ва даҳо. Истеъдод ва меҳнат. Санъаткор шахсининг фавқулоддалик хусусияти; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни; санъаткор ва замон; санъаткор ва тарих; санъаткор ва миллий ғоя; санъаткор ва мафкура; санъаткорнинг майлпарастлик ва мафкурачилик хусусияти.

9-мавзу. Бадиий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия

Бадиий асарни эстетик идрок этишнинг ўзига хос эстетик фаолият экани; унинг ҳиссий ва ақлий асослари; эстетик мушоҳада; эстетик ҳукм; эстетик қобилият.

Санъат асарини эстетик идрок этишнинг ижодийлик табиати; идрок этувчининг "ҳаммуаллифлик", "иштирокчилик" роли; эстетик идрок этишда эстетик масофа омилининг аҳамияти.

Эстетик тарбия ва унинг замонавий йўналишлари ва воситалари; санъат - эстетик тарбиянинг асосий воситаси сифатида; эстетик тарбия билан ижтимоий муносабатлар уйғунлиги муаммоси.

Эстетик равнақ, ва унда бадиий ҳаваскорлик ҳамда санъат тарғиботининг мавқеи. Халқ эстетик эҳтиёжи ва бадиий дидини юксалтиришнинг долзарблиги; Оммавий маданият ҳодисаси ва унинг ёшлар эстетик тарбиясига салбий таъсири.

II. 2. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ ВА РЕФЕРАТЛАР ЁКИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРНИНГ ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАРИ

II. 2.1. Семинар машғулотлар мавзулари

1. Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари.
2. Қадимги Шарқдаги дастлабки эстетик ғоялар.
3. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетик тафаккури.
4. Оврупа эстетикасидаги рационал ва нораціонал йўналишлар.
5. Туркистон маърифатчи-жадидларининг эстетик қарашлари.
6. Эстетик онг ва эстетик фаолият.
7. Эстетиканинг асосий тушунчалари.
8. Санъат турлари ва уларнинг узаро алоқадорлиги.
9. Бадиий ижод жараёни бадиий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия.

II. 2.2. Туркум рефератлар ёки академик лицейлар учун умумий мавзулар

1. Эстетик тафаккур тараккиётининг асосий боскичлари (даврлар ва мутафаккирлар эстетик таълимотлари бўйича).
2. Санъатнинг моҳияти ва санъат турлари; бадиий ижод жараёни (ижтимоий-ҳуманитар соҳалар талабалари учун).
3. Дизайннинг моҳияти; ишлаб чиқариш ва гузаллик; техника эстетикасининг ХХІ асрдаги урни (техникавий соҳалар талабалари учун).
4. Табиат гўзаллик манбаи; атроф-муҳитни гўзаллаштириш; экологик муаммоларнинг эстетик жиҳатлари (табиат билан боғлиқ соҳалар талабалари учун).

III. ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

III.1. Асосий адабиёт

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2001.
2. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т., 1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1996.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. "Фидокор" газ., 2000 йил, 8 июнь.
5. Умаров Э. Эстетика. Т., 1995.
6. Гулыга А. Принципы эстетики. М., 1987.
7. Эстетика. Словарь. М., 1989.

III.2. Қўшимча адабиёт

1. Аристотель. Поэтика. Т., 1980.
2. Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Т., 1980.
3. Навоий. Мажолис ун-нафоис. // Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 13-том. Т., 1998.
4. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Т., 1995.
5. Форобий. Фозил шаҳар одамлари. Т., 1990.
6. Хайём. Наврузнома. Т., 1990.
7. Шер А. Диний-бадий асарнинг эстетик моҳияти. "Гулистон" журнали, 2001 йил, 5-сон.
8. Шер А. Ибрат кўзи. "Соглом авлод учун" журнали, 1996 йил, 7-8, 9-10-сонлар.
9. Шер А. Тасаввуф, Раззолий ва гўзаллик фалсафаси. "Соглом авлод учун" журнали, 2002 йил, 2-сон.
10. Чўлпон. Адабиёт надир. Т., 1994.
11. Безмоздин Л. В мире дизайна. Т., 1990.
12. Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. М., 1980.
13. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. М., 1968-1973.
14. Кант И. Критика способности суждения. М., 1992.
15. Кант И. Наблюдения над чувством прекрасного и возвышенного. // Кант Сочинения в 6-томах, т-2. М., 1964.
16. Ницше Ф. Искусство и художник. // Ницше Ф. Сочинения в 2-х томах, т-1, М., 1990.
17. Ортега-и-Гассет Х. Дегуманизация искусства. М., 1991.
18. Шестаков В. Эстетические категории. М., 1983.
19. Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании чело века. // Ф.Шиллер. Сочинение в 7-томах, т-6. М., 1957.
20. Шопенгауэр. А. Основные идеи эстетики. // Шопенгауэр А. Избранные произведения. М., 1992.
21. Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному. М., 1997.
22. Юнг К. Об отношении аналитической психологии к поэзии. //Юнг К. Сознание и бессознательное. С-Пб. -М., 1997.
23. Hassan I. The Postmodern Turn. Esseys in Postmodern Theori and Culture. Ohio State University Press, 1987.
24. Gadamer H. Lob der Theorie. Frankfurt am Main, 1984.
25. Schiller. Philosophische Schriften // Schiller. Samtliche werke in zehn banden. - 8. Berliner ausgabe, 1984.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

«ТАСДИҚЛАНДИ»

ЎзР.ОЎМТВ

Ваз.ўр._____Ш.Аюпов

2004 йил «17» август

«Мантиқ» фанидан намунавий

ДАСТУР

(бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ – 2004

Ушбу дастур «Мантиқ» фанидан бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талаблар бакалавр талабаларининг фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши, нималарни бўлиши кераклиги, қандай кўникмалар ҳосил қилиши лозимлигини ўз ичига олади.

Ушбу намунавий дастур шу фанга оид ишчи ўқув дастури, Йиллик таквимли режалари, мавзули дастурлари, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш учун тавсия этилади. Намунавий дастурни келажакда тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 700070. Ш.Руставели кўчаси, 25, ОЎМКХТРМ «Маънавият ва маърифат» бўлими, тел.: 136-39-20.

Мазкур дастур намунавий дастур сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртларининг илмий-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 15февралдаги мажлисининг қарори билан тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи масъуллар:

проф. Нишоналиев У., Хамдамова М.З.

Тузувчи: доцент Шарипов М.

Такризчилар: Академик Хайруллаев М.М., профессор Мамашокиров С.

Мазкур дастурни тузишда мантиқ фанини ўқитиш борасида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл олий ўқув юртларида орттирилган тажрибалар ҳисобга олинган. Унда замонавий илмий билиш ва тафаккур тарзи хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда мантиқнинг айрим анъанавий масалалари, шу жумладан, баҳс юритиш, савол-жавоб, муаммо, илмий назария масалалари янгича қўйилган. Дастурда баъзи янги масалалар ҳамда мулоҳазалар ва предикатлар мантиқи, меъёр ўз аксини топган.

Мазкур дастурда фаннинг мақсади ва вазифалари тўғрисида тушинтириш берилган, унинг мазмунини ташкил этувчи масалалар таълим турлари бўйича тақсимланган; амалий машғулотлар мавзулари ва масалалари, реферат мавзуларининг тахминий рўйхати берилган. Дастур охирида адабиётлар рўйхати бор. Буларнинг барчаси мутахассис-ўқитувчиларнинг ва талабаларнинг дастурдан фойдалашини осонлаштиради.

Дастур олий ўқув юртларининг нофалсафий ихтисосликлари бўйича мутахассис-бакалаврлар тайёрлайдиган факултетлари, бўлимларида мантиқ фанини ўқитиш учун мўлжалланган.

Олий ўқув юртининг йўналиши, ихтисосликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кафедралар мавзулар мазмуни ҳамда уларни ўрганиш тартибига, соатлар тақсимотига айрим ўзгартиришларни киритиши мумкин.

1.СЎЗ БОШИ

1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

Бакалавр «Мантик» фани бўйича:

- тафаккурнинг асосий хусусиятлари, мантиқий шакллари ва қонунлари, билиш жараёнида мантиқнинг тутган ўрни тўғрисида;
- формал мантиқнинг хусусияти ҳақида;
- мантик, илмининг назарий ва амалий аҳамияти, хусусан унинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш, асослашдаги ўрни ҳақида;
- тилнинг вазифалари, унинг турлари, тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш ҳақида;
- ҳулосавий билимлар ҳосил қилиш, далиллаш, муаммоларни яратиш ва ҳал этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш илмий назарияларининг мантиқий тизилимиси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши лозим.**
- Фикрни мантиқан тўғри қуриш ва чин фикрлар ҳосил қилиш шарт-шароитларини билиши;
- тўғри фикрлашнинг асосий қонун-қоидаларини билиши; тушунчаларни таърифаш усуллари ва қоидаларини, фаннинг, илмий терминлар ҳосил қилишнинг мантиқий воситаларини **билиши керак.**
- муҳокама юритиш жараёнида йўл қўйилган мантиқий хатоларни топиш ва айниқса, ҳулоса чиқариш ва далиллаш **қоидаларини қўллай олиши лозим.**

1.2. Дарс соатлари тақсимоти

		Соатлар		
		Маъ- руза	Амалий машғул от	Мустак ил таълим
I.	Бириинчи бўлим. Мантиққа кириш			
1.1	1-боб. МАНТИҚНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.			
1.1.1	Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти	1		
1.1.2.	Мантиқ фани ривожланишнинг асосий босқичлари			2
1.2	2-боб. МАНТИҚ ИЛМИ ВА ТИЛ			
1.2.1.	Тилнинг мантиқий таҳлили		1	
II.	Иккинчи бўлим. Мантиқнинг умумназарий масалалари.			
II.1	1-боб. ТЎҒРИ ФИКРЛАШНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ			
II.1.1	Формал мантиқнинг асосий қонунлари (тамойилари)	I	1	
11.2.	2-боб. ТАФАККУРНИНГ УНИВЕРСАЛ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ			
11.2.1	Тушунча	2	2	1
11.2.2	Хукм (категория)	2	1	1
II.2.3	Хулоса чнқариш	2	3	2
11.3	3-боб ДАЛИЛЛАШ ВА БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ			
11.3.1	Далиллашнинг мантиқий асослари	1	2	1
II.3.2	Муаммо. Фараз. Назария	1		3
	Жами:	10	10	10

Жамиятини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида олий таълимнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири талабаларнинг мантикий фикр юритиш маданиятини ривожлантириш, хусусан, уларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат. Унинг долзарблиги ўқув жараёнида янги информацион технологияларнинг қўлланиши ва, умуман, кўз ўнгимизда информация цивилизациясининг шаклланаётгани билан янада ортади. Мазкур вазифани ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири талабаларни билишнинг умуммантикий методлари, далилли муҳокама юритиш усуллари билан "куроллантириш"дир. Мантикнинг фалсафий фанлар блокига киритилиши, улар ўқув дастурларининг узвийлаштирилиши, мувофиқлаштирилиши бу ишни амалга оширишни анча осонлаштиради.

Мантиқ фалсафани хусусий-илмий билиш ва амалий ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлайди. Хусусан, у тўғри фикр юритишнинг муҳим тамойилларини, меъёрларини (меъёрий қоидаларини) ўрганувчи ва яратувчи фан сифатида конкрет билим соҳалари берадиган ахборотларни мунтазамли тарзда мантикий таҳлил қилишга, айниқса уларга концептуал жиҳатдан ёндашгани ҳолда умумлаштиришга ва шу асосида оламнинг яхлит илмий манзарасини ҳосил қилишга, дунёқарашнинг муҳим тамойилларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мантикнинг фалсафа ва бошқа фанлар билан бўлган муносабати, унинг мақсад ва вазифалари, аҳамияти ана шу ҳолат билан белгиланади.

1.3. Ўқув фанининг асосий мақсад ва вазифалари, унинг аҳамияти

Мантикнинг мақсади:

- талабаларни тўғри фикрлашнинг мантикий шакллари ва қонун-қоидалари билан таништириш асосида мустақил, эр-кин фикр юрита оладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга, уларда янги турмуш ва тафаккур тарзини қарор топтиришга ва шу тарифа янги демократик жамият куришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилишдан иборат.

Мантикнинг вазифалари:

- талабаларга тўғри муҳокама юритишнинг мантикий шакллари ва қоидаларини ўзлаштиришнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда тутган ўрнини тушунтириш;
- хато фикрларнинг пайдо бўлиш сабаблари билан уларни таништириш, улар оқ-қорани тушуниб етишига, бузғунчи ғоялар билан яратувчи ғоялар, шу жумладан миллий ғояни бир-биридан ажрата оладиган бўлишига эришиш;
- талабаларнинг тарихан шаклланган мантикий ғоялар, концепцияларни, айниқса Марказий Осиё мутафаккирлари-нинг мантикий таълимотларини чуқур эгаллаши ҳамда юксак маънавий қадриятларимиз сифатида

эъзозлаши, улар билан фахрланиш туйғусини ҳосил қилишига кўмаклашиш;

- уларни хулосавий билимлар ҳосил қилиш, муаммоларни яратиш ва ҳал этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш усуллари, қоидалари билан таништириш;
- талабаларга мулоқотда бўлиш ва айниқса, савол-жавоблар қилиш, баҳс юритиш сир-асроларини ўргатиш;
- уларни илмий билимларнинг мантикий тузилишлари, ва айниқса илмий назарияларнинг қурилиши билан таништириш ва бошқалар.

Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти;

- у фикрлаш маданиятини ўстиради;
- тўғри муҳокама юритишнинг усуллари, қоидаларини ҳамда мантикий масалалар ва мантикий хатоларни гуруҳларга бўлиб, мунтазамли ўрганишга ёрдам беради;
- ўзининг ва суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни топишни осонлаштиради;
- илмий тушунчалар, мулоҳазаларнинг аниқ қўлланишига имкон беради ва шу тариқа ўқув, илмий изланиш жараёни самарадорлигини оширади;
- далиллаш ва танқид жараёнини тўғри тушунишга, мунозараларни бошқара билиш малакасини ҳосил қилишга ёрдам беради;
- компьютерлар-фикрловчи машиналардан ва бошқаришнинг автоматлашган тизимларидан фойдаланишни осонлаштиради;
- ақл билан билишнинг янги қоидаларини, меъёр ва идеалларни ишлаб чиқишга, мавжудларини такомиллаштиришга имкон беради.

1.4. Мантиқ фани бўйича талабаларнинг билимига, кўникмаси ва маҳоратига қўйиладиган талаблар:

- мантикий фикрлашнинг қонун-қоидалари ва шакллари тўғрисидаги билимларни эгалаган бўлиши;
- мантиқнинг назарий ва амалий аҳамиятини, хусусан унинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва асослашдаги ўрнини тушуниши;
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки савол-жавоб.

Мавзунинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради	Тинглайди.
	1.2. Мазкур курс бўйича ўрганиладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таништиради. (2-илова)	Ёзади, тинглайди.
	1.3. Биринчи ўқув машғулотини мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
II-босқич. Асосий бўлим (40 минут)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида диққатни жамловчи саволлар беради: 1. Этика нима? 2. Ахлоқ нима? 3. Хулқ нима? Саволга берилган жавобларни таҳлил қилади.	Саволларга жавоб беради.
	2.2. Экранга «Ахлоқнинг жамиятдаги ўрни» номли (1-сонли слайд)ни қўйиб, уни шарҳлайди.	1-сонли слайд мазмунини ўрга-нади, курснинг роли ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтади.
	2.3. Экранда «Курс структураси» схемаси	2-сонли слайд



	кўрсатилади (2-сонли слайд), режанинг 2-саволи юзасидан талабаларга ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб беришини сўрайди. Талабаларнинг фикрлари умумлаштирилади ва хулоса қилинади.	мазмунни билан танишади
	2.4. Блиц-сўров орқали этика ва бошқа ижтимоий фанларнинг алоқаси бир неча талабалардан сўралади (3-илова), олинган жавоблар таҳлил этилиб, хулоса қилинади.	Бир неча талаба жавоб беради.
III-босқич. Якунловчи. (20 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.	Саволларга жавоб беради.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. (4-илова).	Мустақил ўрганиш учун топшириқ-ларни ёзиб олади.
	3.4. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (2-илова).	Ёзади.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.
2. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабр.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. –Б. 174. (18-29 бетлар).
5. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Т.: Янги аср авлоди, 2003, 245 бет.
6. Аминов Б., Маҳкамов С., Расулов Т. Шарқона бозор фазилатлари. –Т.: Talqin, 2008.
7. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: Шарқ, 1998. (131-136 бетлар)
8. Губин В.Д., Некрасова Е.Н. Основқ этики. –М.: Форум-Инфра-М, 2005. (61, 198-199, 204 стр.)
9. Дунёвийлик фалсафаси. Мақолалар тўплами. –Т.: 2007.
10. Акромова Ф.Н. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари.
11. Содиқова Т. Яшаш тилсими. –Т.: 2004.
12. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. –Т.: “Маънавият”, 2009.
13. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –Б. 40-41.
14. Саифназаров И. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол авлод тарбияси. –Т.: Янги аср авлоди,
15. Кайковус. Қобуснома. –Тошкент: “Истиқлол”, 1994. –Б. 173. (35-43, 49-51, 53-57, 70-74, 79-81, 101-113 бетлар).
16. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 145 бет. (33-56 бетлар).
17. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: “Фан”. 1990.
18. Амир Темур ўғитлари. –Т.: “Навруз”. 1992.
19. Дейл Карнеги. Чидаш санъати. –Т.: “Санъати журнали” нашриёти, 2009.
20. Жалолова Ў., Рўзматова Г. «Этика» фан бўйича таълим технологияси. –Т.: 2006, 44-51-бетлар.

Ахлоқшунослик фани, унинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари

Этика – ахлоқ ҳақидаги назария



1-мавзу бўйича таянч тушунча ва иборалар:

Ахлоқ	русча – морал, лотинча «mores», «moralis» сўзларидан олинган бўлиб, маъноси хулқ, одат демакдир. Ахлоқ сўзи арабча бўлиб, хулқ сўзининг кўплигидир.
Этика	юнонча «ethos» сўзидан олинган бўлиб, бунинг маъноси хулқ-одат демакдир.
Хулқ, одоб	одамларнинг хатти-ҳаракатлари, кишилар ўртасидаги амалий-ахлоқий муносабатлардир
Таълим-тарбия	онг маҳсули, лекин айтилиш вақтида онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир.
Ахлоқ ва иқтисод	иқтисод фани меҳнатга бўлган моддий кўрсаткичларни ифодаласа, ахлоқ маънавий эҳтиёжларни ифодалайди.
Ахлоқ ва сиёсат	гуруҳлар, миллатлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради, кишиларнинг барча ғоявий тасаввур ва мафкуравий тушунчаларига сингиб боради, кишилар амал қиладиган ахлоқий сифат, норма ва қоидаларнинг таъсирчанлигини орттиради.

Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун саволлар	
1. Этика, ахлоқ, хулқ тушунчалари ва уларнинг ўзаро алоқасини қандай тушунасиш?	
2. Ахлоқ ва унинг жамият ҳаётидаги роли қандай?	
3. Ахлоқ ва ҳуқуқ алоқаси қандай?	
4. Ахлоқ ва хулқнинг умумийлиги нимада?	
5. Ўзига хослиги нимада?	

1.2. Семинар машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 15-30</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Муаммоли вазият. Мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш ва ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмасини ривожлантириш
<i>Маъруза режаси</i>	1. Этика ахлоқ ҳақидаги назария. Ахлоқнинг умуминсоний ва миллий, тарихий ва конкрет, диалектик ва ижтимоий характери. 2. Жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалтиришда, шахсни камол топтиришда ахлоқнинг роли.

	3. Этика ва бошқа социал фанлар. Ахлоқ ва дин. Ислон Каримов асарларида бу муаммоларнинг талқини.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Этика фанининг ҳозирги даврдаги аҳамиятини кўрсатиб, вазифаларини белгилаб ва ўзи ҳам кўникма ҳосил қилиб, мустақил фикрлаб реферат ёзишдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари.</i>
• Мавзу бўйича билимни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва системалаштириш; • Дарсликлар билан, адабиётлар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилиб, уларни таққослаш, системага солиш, хулосалар чиқаришни мустақил равишда ишлашга йўналтириш; • Ҳаётда учраб турадиган ахлоқий фазилатларга ва ахлоқий-хулқий иллатларга ҳолисона баҳо бериш кўникмасини ҳосил қилиб, таҳлил қилиш ва хулосаларни тўғри чиқаришга йўналтириш.	• Мавзуга тегишли таянч ибораларнинг моҳиятини очиқ беради; • Методик талабга асосан «Этика фани, унинг вазифалари ва жамият тараққиётидаги роли»га баҳо беради; • Жамиятда ахлоқнинг аҳамиятига баҳо беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тестлар.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки савол-жавоб.

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, режаларнинг натижалари билан таништириб, уни қандай ташкил этишни айтиб ўтади.	Тинглайди, ёзиб олади.
	1.2. Фаоллаштириш мақсадида қуйидаги саволлар берилади: «Мавзу бўйича қандай категориялар, таянч иборалар билан танишдингиз?» Блиц-сўров, савол жавоб	Саволларга жавоб беради.

	ўтказилади.	
II-босқич. Асосий бўлим (40 минут)	2.1. Гуруҳларда ишлаш ташкил қилинади ягона муаммоли савол ўртага ташланади: «Ахлоқсиз шарт-шароитда ахлоқли бўлиш мумкинми?» Баҳолаш мезонлари доскага осиб қўйилади. (5-илова).	Гуруҳларга бўлинади.
	2.2. Талабалар 3 та гуруҳга бўлинади, эксперт варағи тарқатилади, бажариш методикаси тушунтирилади (3-илова). Такдимот эълон қилинади ва баҳоланади (4,5,6-иловалар).	Муаммо ечимини излашади. Такдимот қилади.
	2.4. Берилган фикрлар жамланади, хулоса қилинади.	Гуруҳлар ўзаро баҳо қўяди.
III-босқич. Яқунловчи (20 минут)	3.1. Машғулот жараёнида бажарилган вазифаларга яқунловчи хулосалар қилади.	Саволларга жавоб беради.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.

3-илова

1-эксперт варағи:

- Этика, ахлоқ, хулқ тушунчаларини изоҳланг, ахлоқ ва хулқ тушунчаларига алоҳида эътиборингизни қаратинг.
- Ахлоқсиз шарт-шароитдан келиб чиқиб, ахлоқли бўлиш мумкинми, деган савол қўйиб гуруҳ аъзолари ўртасида муҳокама қилинг, хулоса чиқаринг, фикрларни жамланг. Гуруҳ сардори такдимот қилиши, бошқалар тўлдириши, вазиятга баҳо бериши мумкин. «Ақлий ҳужум» техникасидан фойдаланиш мумкин.

2-эксперт варағи:

- Ахлоқ билан иқтисодиётнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.
- Бозор иқтисодиёти устувор бўлган ҳозирги шароитда ахлоқий фазилатларни, нормаларни, қоидаларни адо этишдаги муаммоларнинг ечимини топишда қандай ғояларни илгари сурасиз. «Ақлий ҳужум» техникасидан фойдаланиб, муаммонинг ечимини топишга уруниб кўринг ва такдимотга тайёрланинг.

3-эксперт варағи:

- Жамият тараққиётида пировард мақсадимиз бўлган «Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш»да ахлоқнинг ролини қандай тушунасиз?
- Комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишда ахлоқсиз шарт-шароитдан қандай чиқиб кетиш мумкин, деб ўйлайсиз? Қўйилган саволларга «ақлий ҳужум» техникасидан фойдаланиб, муҳокама қилинг, ғояларни системага солинг, энг муҳим ғояларни баҳоланг ва такдимот қилинг.

Ақлий ҳужумни олиб бориш қоидалари:

4-илова

- Ҳеч қандай ўзаро баҳо бермаслик ва танқид қилмаслик!
- Таклиф этиладиган фикрларни баҳолашдан ўзини тийишлик, улар қанчалик ғайри оддий ва фантастик бўлмасин:
- Ҳамма нарса мумкин.
- Танқид қилмаслик - ҳамма фикрлар тенг равишда қадрлидир.
- Гапираётган талабани фикрини бўлмаслик !
- Танбеҳ беришдан ўзини тийишлик !
- Асосий мақсад - фикрнинг миқдоридадир !
- Қанча кўп фикр айтилса, шунча яхшидир: янги ва қадрли фикрларни дунёга келиш имконияти кенгаяди.
- Фикрлар қайтарилса жаҳл чиқмаслик.
- Ҳаёлни «жунбушга келишига» имконият яратишлик !
- Янги туғилган фикрларни ривожлантириш, гарчи улар схемаларга тўғри келмаса ҳам !
- Мазкур муаммо фақат муайян воситалар орқали ечим топиши мумкинлигини унутишлик !
-

5 - Илова

Гуруҳларда ишлаш учун эксперт варағлари

1-гуруҳ.

Ахлоқсиз шарт-шароитда ахлоқли бўлиш мумкин.

- 1.Ахлоқий зарурият нима?
- 2.Унинг қандай турлари бор?
- 3.Ўз тушунчангизни Беринг.

2-гуруҳ.

Ахлоқсиз шарт-шароитда ахлоқли бўлиш мумкин эмас.

- 1.Ахлоқий эркинлик нима?
- 2.Унинг қандай элементлари бор?
3. Уларнинг элементларига мисоллар келтиринг.

3.1. Маърузани олиб бориш технологияси**1-илова**

<i>Талабалар сони: 50-70</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машгулот шакли</i>	Мавзули, кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Эркинлик ва зарурият ҳақида турли назариялар. 2. Эркинлик ва зарурият – шахс хулқ-атворининг ахлоқий мезони. Танлаш эркинлиги. 3. Ахлоқий баҳо мезони. 4. Ахлоқнинг таркибий тузилиши тушунчаси. Ахлоқий онг ва унинг элементлари.
<i>Машгулотнинг мақсади: Эркинлик ва зарурият, ахлоқий баҳо ҳақида умумий ва асосий тасаввурни бериш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Мавзунинг мазмунини тушунтириш; • Эркинлик ва зарурият ҳақида турли назариялар тўғрисида маълумот берилади; • Эркинлик ва зарурият – шахс хулқ-атворининг ахлоқий ме-зони эканлиги очиб берилади; • Танлаш эркинлигининг маз-муни ёритилади. • Ахлоқий баҳолаш шакллари санаб ўтилиб, улар асослаб берилади; • Ахлоқнинг тузилмаси, функ-циялари ҳақида маълумот берилади; • Ахлоқнинг тузилиши, тушунчаси; ахлоқий онг ва унинг элементлари очиб берилади;	• Мавзунинг мазмунини айтиб бера оладилар; • Эркинлик ва зарурият ҳақида турли назарияларни айтиб бера оладилар; • Эркинлик ва зарурият – шахс хулқ-атворининг ахлоқий мезони эканлигини ёритиб бера оладилар; • Танлаш эркинлигининг мотивларини далиллар асосида исботлаб бера оладилар; • Ахлоқий баҳолаш шакллари ёритиб бера оладилар. • Ахлоқнинг тузилмаси, функцияларининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради; • Этика фанининг тузилишини, ахлоқий онг ва унинг элементларини санаб беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	аклий хужум, блиц-сўров, ахборотли маъруза
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска,

<i>Ўқитиш шакллари</i>	Якка тартибда, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки савол-жавоб

Мавзунинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Талабани маъруза режаси билан таништиради. Ўқув курсининг номини айтиб, мавзу доирасида асосий саволларни, таянч тушунча ва ибораларни кетма-кетлик даражасида эмас балки адаштирилган холда талабаларга ёздиради (1-илова).	Тинглайди ва ёзиб олади.
	1.2. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таништиради (2-илова).	Ёздиладар, тинглайдилар.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Таклиф қилади: (1) Блиц-сўров ўтказди. (2) Мазкур ўқув машғулотида нима ҳақида гап кетишини ўйлаб кўришни ва жавоб беришни сўрайди.; (3) Таянч ибора ва тушунчаларни кетма-кетлигини кўрсатади (рўйхатдаги тартиб сони билан белгилаб қўйишни сўрайди).	Жавоб беради. Тинглайдилар ва асосий маълумотларни конспект дафтарларига ёзиб оладилар.
	2.2. Маъруза ўқийди., кўргазмали материалларни кўрсатади (4-слайд). Блиц-сўров уюштиради. Мавзудан олинган билимни мустаҳкамлаш мақсадида кластер техникасини кўрсатади (4-илова). Жавоб хулосаланади.	Тинглайди, ёзиб олади, саволлар беради. Жавоб беради.
	2.3. 5 дақиқа ичида тингловчиларни жуфтликларга бўлиб, ақлий ҳужум ўтказиб, асосий маълумотни бериш мақсадида маъруза жараёнида берилган таянч иборалар ва тушунчаларни айтади. Ақлий ҳужум ёрдамида олинган нати-	Жуфтликларда вазифани бажаради: дафтарда ибораларни белгилайди, тушунчаларни айтади.

	жаларни доскага ёзади.	
	2.4. Талабалардан қуйидаги саволлар қўриб қисқа жавоблар бериш сўралади: 1. Ахлоқий эркинлик ва зарурият моҳияти. 2. Ирода эркинлиги тушунчаси. 3. Гегел ирода эркинлиги ҳақида 4. Ахлоқий баҳонинг меъёри. 5. Ирода эркинлигини изоҳланг. 6. Ахлоқий масъулиятнинг объектив ва субъектив омили	Жавоб беради
	2.5. Ахлоқий баҳонинг белгилари санаб бериш сўралади.	Санаб беради.
	2.6. Жавоблар хулосаланади.	Тинглайди.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Машғулотнинг бошига қайтиб, мавзунинг асосий тушунчаларига қайтадан тартиб рақамини қўйиб чиқади. Блиц-сўров ўтказади.	Саволларга жавоб берадилар
	3.2. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.	Тинглайди ва аниқлаштиради.
	3.3. Мавзу мақсадига эришишдаги фаол қатнашган тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.
	3.4. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. (5-илова).	Мустақил ўрганиш учун топшириқ-ларни ёзиб оладилар.
	3.5. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (6-илова).	Ёзадилар.

2-илова.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 96 б. 25-29-бетлар.
2. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.// Ишонч. 2005, 8 декабр.
3. Кондрашев В.А., Чичина Е.А. Этика. –М., 1999.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 165-170-бетлар.
5. Юсупов Э. Оила – маънавият булоғи. –Тошкент: ЎЗМУ, 2003. 129 б.
6. Разин А.В. Основы этики. –М.: Форум-Инфра, 2006, 304 с.

7. Шайхова Х.О. Ҳулқ-одоб – маънавиятимиз калити. –Тошкент,1994.
8. Губин В.Д., Некрасова Е.М. Основы этики. –М.: Форум-Инфра, 2005. 224 с.
9. Гусейнов А.А., Апресян Р.Г. Этика. –М.: Гардарика, 2005. 472 с.
- 10.Шайхова Х.О. Инсон ва унинг маънавий дунёси. –Тошкент,1990.
- 11.Этика. –М.: Гардарика, 2006. 494 с.

4-илова.

Кластер

1. Катта қоғознинг ўртасига калит (ёки 2-3 сўздан иборат бўлган) мавзунинг номи катта доира ичига ёзилади.
2. Иштирокчилар ана шу калит сўзларга «йўлдош» бўлган сўзларни шу катта доиранинг атрофига кичикроқ доиралар ичига ёзади ва уларни стрелка-чизиклар орқали «бош» тушунчага бирлаштирадилар.
3. Иштирокчиларнинг мазкур мавзуга оид фикрлари ёзиб қўйилади.




5-илова.

Мавзу бўйича топшириқлар


1	Ахлоқий эркинлик ва заруриятни қандай тушунасиз?
2	Ирода эркинлиги ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
3	Фатализм ва волюнтаризм тушунчаларини изоҳлаб беринг?
4	Гегел ирода эркинлиги ҳақида нима деган?
5	Ахлоқий баҳонинг меъёри қандай бўлади?
6	Ирода эркинлигини изоҳланг?
7	Ахлоқий эркинлик деганда нимани тушунасиз?
8	Ахлоқий масъулият нима?
9	Ахлоқий масъулиятнинг объектив ва субъектив омили нима?

1-слайд

Ирода эркинлиги ва шахснинг ахлоқий
масъулияти. Ахлоқий баҳо




2-слайд



3-слайд

Гегел

ирода эркинлиги ҳақида



3.2. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 15-30	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Баҳс ва мунозара
<i>Маъруза режаси</i>	1. Эркинлик, ирода эркинлиги борми, ким қандай ифодалайди? 2. Инсон ўз хатти-ҳаракати учун жавоб берадими? 3. Ахлоқда ҳақиқат борми? 4. Ахлоқий масъулият ва ахлоқий баҳонинг мезонини қандай талқин этасиз?
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Машғулот жараёнида ирода эркинлиги ва шахснинг ахлоқий масъулиятини, танлаш имконияти борлигини, ахлоқий баҳо мезонини баҳс ва мунозара ёрдамида ўзаро ҳамкорликда, мустақил фикрлаб мавзуни моҳиятини очишга йўналтирилади.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Мавзу бўйича билимни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва системалаштириш. • Фикрларни системалаштириш, таққослаш, хулосалар чиқаришга, ўз-ўзини бошқаришга йўналтириш. • Ахлоқий вазиятларга ва ўз-ўзига ахлоқий жиҳатдан баҳо бериб тўғри ва ҳолисона ху-	• Мавзуга оид таянч ибораларнинг моҳия-тини очиб бериш. • Мавзуга тегишли назорат саволларига тўғри жавоб бериш юзасидан эссе ёзиш, реферат мавзуларини танлаб олиш, баҳс ва мунозара юритиш санъатини эгаллаш. • Ахлоқий хатти-ҳаракатларга баҳо бера олиш.

лосалар чиқаришга йўналти- риш.	
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска,
<i>Ўқитиш шакллари</i>	, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки савол-жавоб

Амалий машғулоти олиб бориш технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади режалари билан таништиради, уни қандай ташкил этишни айтиб ўтади.	Тинглайди ва ёзиб олади.
	1.2. Фаоллаштириш мақсадида қуйидаги саволлар берилади: 1. Ирода эркинлиги тушунчасини фатализм ва волюнтаризм оқимлари қандай тушунган? 2. Сиз уни қандай тушунасиш?	Саволларга жавоб беради.
II-босқич. Асосий (40 минут)	2.2. Гуруҳларда ишлаш ташкил қилинади	Учта гуруҳга бўлинади.
	2.3. Мавзу бўйича талабаларга қўшимча саволлар берилади. (3-илова).	Гуруҳлар эксперт варағини олиб, саволга жавоб топади.
	2.4. Гуруҳлар қўйилган саволларга жавоб беришда мунозара юритишга, баҳс қилишга, муомала маданиятини ўрганишга йўналтирилади, ўқитувчи бу вазиятни бошқариб боради ва гуруҳ экспертларини тақдимот этишини эълон қилади.	Тақдимот қилади.
	2.5. Берилган фикрлар, айтилган мулоҳазалар жамланади, муҳокама қилинади.	Ўзаро гуруҳлар бири-бирини баҳолайди.
III-босқич. Якуний босқич. (20 минут)	3.1. Гуруҳларда айтилган энг муҳим, аҳамиятли фикрларга эътибор қаратилади, хулоса қилинади, умумий баҳо қўйилади – 5 балл.	Тинглайди, ёзиб олади.
	3.2. Машғулот жараёнида бажарилган вазифаларга хулоса қилинади, баҳоланади (4-илова).	Тинглайди ва аниқлаштиради.
	3.3. Уйга вазифа берилади, эссе ёзиб келиш топширилади.	Ёзиб олади.
	3.4. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. (5-илова)	Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб олади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. Ҳалоллик ва фидоийлик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 30 б.
2. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 160 б. 31-52-бетлар.
3. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.// Ишонч. 2005, 8 декабр.
4. Жумабоев Й.Ж. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. –Т., 1990.
5. Румий. Ичингдаги ичингдадир. –Т., 1977.
6. Кайковус. Қобуснома. –Т., 1994.
7. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т., 1992.
8. Амир Темур ўғитлари. –Т., 1992.
9. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. –Т., 1990.
10. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари. –Т., 1990.
11. Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Мерос, 1993.
12. Фитрат. Оила. –Т., 1999.
13. Кант И. Из лекции по этике. Этическая мысль. –М., 1988-1990.
14. Гегель Г. Философия права. –М., 1990.
15. Аристотель. Никомахова этика. Большая этика.//Аристотель. Соч. в 4-х томах, Т. 4. –М., 1983.
16. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 165-170-бетлар.
17. Разин А.В. Основы этики. –М.: Форум-Инфра, 2006, 304 с.
18. Губин В.Д., Некрасова Е.М. Основы этики. –М.: Форум-Инфра, 2005. 224 с.
19. Гусейнов А.А., Апресян Р.Г. Этика. –М.: Гардарика, 2005. 472 с.
20. Ғайбуллоҳ Ас-Салом Сайди Умар. Толибнома. (Сени ўйлайман, болам). – Тошкент: Шарқ, 1997. 152 б. 64-74, 111-119, 140-147-бетлар.
21. Ибн Сино. Баҳманёр ал-Озарбайжоний билан мунозара. //Соғлом авлод учун. 1996, 3-4-сонлар.
22. Этика. –М.: Гардарика, 2006. 494 с.

Мавзу бўйича топшириқлар 3-илова

1	«Авесто»да комил инсон муаммосига доир қандай фикрларни биласиз?
2	Қадимги давр мутафаккирларининг ахлоқий фикрларига сиз қандай қарайсиз?
3	Комил инсон қандай изоҳланади?
4	Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий фикрларига сизнинг муносабатингиз?

5	Француз маърифатпарварларининг ахлоқий қарашларидаги шахсий ва ижтимоий манфаатнинг уйғунлиги ҳақидаги масалага сизнинг муносабатингиз қандай?
6	И.Кант, В.Гегел, Л.Фейербах этикасидаги ахлоқий масалалардаги ўзига хос хусусият нимада деб ўйлайсиз?
7	XX асрдаги ахлоқий йўналишларни, этик таълимотларни сиз қандай баҳолайсиз?

4-илова.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ахлоқий онг ва унинг элементлари нима?
2. Ахлоқий хатти-ҳаракат нима?
3. Ахлоқий муносабатлар қандай муносабатлар?
4. Ахлоқнинг жамиятдаги функциялари нимадан иборат?

5-илова.

Мустақил ўрганиш учун мавзулар

1. Этика – ахлоқ ҳақидаги назария.
2. Этика ва бошқа ижтимоий фанлар муносабати
3. Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги роли
4. Ахлоқий онг ва унинг элементлари.
5. Ахлоқий муносабатлар.
6. Ирода эркинлиги муаммоси.
7. Шахснинг ахлоқий масъулияти.

3 мавзу	Ахлоқнинг маънавият тизимидаги ўрни
------------	--

2.1. Маърузани олиб бориш технологияси

1-илова

<i>Талабалар сони:</i> 50-70	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Ахборотли кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ахлоқий амалиёт, фаолият, хатти-ҳаракат. Хулқ ва унинг мотивлари. 2. Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг

	бошқарув ва кўриқлов вазифалари. 3. Ахлоқ ва маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари. Ахлоқ ва сиёсат. Ахлоқ ва ҳуқуқ. Ахлоқ ва санъат. Ахлоқ ва дин. Ахлоқ ва фан.
<i>Машиғулотнинг мақсади:</i> Ахлоқ структураси ҳақида умумий, асосий тасаввурни бериш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Ахлоқий амалиёт, фаолият, хатти-ҳаракат, ҳуқ ва унинг мотивлари ёритилади; • Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг бошқарув ва кўриқлов вазифалари ҳақида маълумот берилади. • Ахлоқ ва бошқа ижтимоий фанларнинг алоқаси кўрсатиб берилади; • Ахлоқ ва дин ўртасидаги бирлик ва фарқ очиқ берилади; • Ахлоқ фанининг жамиятдаги аҳамияти ёритиб берилади; • Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги вазифалари санаб ўтилиб, улар асослаб берилади;	• Ахлоқий амалиёт, фаолият, хатти-ҳаракат; ҳуқ ва унинг мотивларини далиллар асосида исботлаб беради; • Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг бошқарув ва кўриқлов вазифалари ҳақида гапириб беради; • Ахлоқ ва бошқа ижтимоий фанларнинг ўртасидаги муносабатни тушунтириб бера оладилар; • Ахлоқ ва дин ўртасидаги муносабатни ёритиб беради; • Ахлоқнинг жамиятдаги роли ҳақида тўлиқ маълумот беради; • Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги вазифалари ва функцияларини ёритиб беради.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, инсерт жадвали.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска,
<i>Ўқитиш шакллари</i>	гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминоанган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки савол-жавоб

Мавзунинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Кириш. (20 минут)	1.1. Маъруза мавзусининг номини айтиб, асосий саволларни, таянч ибора ва терминларни эслатади, (1-илова), маърузадан кутилаётган натижалар ва режа билан талабаларни таништиради.	Тинглайди.
	1.2. Уйга берилган вазифалар инсерт	Езади, тинглайди.

	усулида таҳлил қилиниб, матнни кўриб чиқади (2-илова).	
II-босқич. Асосий бўлим (40 минут)	2.1. Талабаларга мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар беради 2.2.Берилган топшириқларни бажарилганлигини назорат қилади, конспект дафтарларини текширади, талабалар жавобларини тинглайди, саволлар берад.	Саволларга жавоблар тайёрлайдилар Муҳокама этилган саволлар юзасидан жавоб берадилар
	2.3. Блиц-сўров ўтказида, бунда бир неча талабаларнинг жавобини эшитади ва умумлаштиради.	Натижаларни ўқиб беради.
III-босқич. Яқунловчи. (20 минут)	3.1. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.	Саволлар берадилар.
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. (4-илова).	Мустақил ўрганиш учун топшириқ-ларни ёзиб оладилар.
	3.4. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. (3-илова).	Ёзадилар.

2-илова

«Инсерт техникаси» ўқув материали.

Инсерт – бу матндаги белгиларнинг интерфаол тизимидир, мушоҳада қилиш ва ўқишнинг унумли усулидир. Бу усул китоб билан ишлаш кўникмасини шакллантиради. Ўқувчини матн билан ишлаш жараёнида мустақил ўрганишни фаоллаштиради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. Ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 30 б.
2. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 96 б. 25-29-бетлар.
3. Жумабоев Й.Ж. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. –Т.,1997.
4. Муомала сирлари. –Т., 1992.
5. Моральный выбор. –М., 1988.
6. Минкин Н.А. Воспитание ответственности. –М., 1990.
7. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
8. Разин А.В. Основы этики. –М.: Форум-Инфра, 2006, 304 с.
9. Гусейнов А.А., Апресян Р.Г. Этика. –М.: Гардарика, 2005. 472 с.
10. Шайхова Х.О. Инсон ва унинг маънавий дунёси. –Тошкент,1990.
11. Этика. –М.: Гардарика, 2006. 494 с.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Маънавият ва маънавият тизими нима?
2. Ахлоқ ва диннинг алоқадорлиги нималарда кўринади ?
3. Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи нималарда кўринади?

2.2. Амалий машғулотини олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони: 15-30</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Ўзаро ҳамкорликда ўқиш.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ахлоқнинг таркибий тузилиши тушунчаси. Ахлоқий онг ва унинг элементлари. 2. Ахлоқий амалиёт, фаолият, хатти-ҳаракат. Хулқ ва унинг мотивлари. 3. Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг бошқарув ва қўриқлов вазифалари. 4. Ахлоқ ва маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Ахлоқнинг моҳияти, келиб чиқиши, тарихий ривожланишини, конкрет характери, унинг таркибий тузулишини ва ҳозирги даврда жамиятдаги функцияларини кўрсатиб, ўзаро ҳамкорликда ўқиб, кўникма ҳосил қилиб, мустақил фикрлашга йўналтиришдир.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Мавзу бўйича билимни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва системалаштириш • Дарсликлар билан, адабиётлар билан ишлашга, таққослашга, системага солишга, хулосалар чиқаришга, мустақил ишлашга йўналтириш. • Ахлоқ - маънавий ҳаётнинг негизи эканлигини, унинг шакллари билан ўзаро муносабатида таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо беришга, тўғри хулосалар чиқаришга йўналтириш.	• Ахлоқнинг тузилмаси, функцияларининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради; • Мавзуга оид таянч ибораларнинг моҳиятини очиқ беради. • Мавзуга тегишли назорат саволларига жавоб бериб, инсоннинг маънавий юксалишида ахлоқнинг ролига баҳо беради, реферат мавзуларини белгилайди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров, инсерт жадвали.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска,
<i>Ўқитиш шакллари</i>	гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки, савол-жавоб

Мавзунинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
I-босқич. Кириш. (20 минут)	1.1. Семинар машғулотининг мавзуси, мақсади режаларининг натижалари билан таништириб, уни қандай ўтказишни айтиб ўтади	Тинглайди, ёзиб олади.
	1.2. Фаоллаштириш мақсадида қуйидаги саволлар берилади: Ахлоқнинг таркибий тузилишини қандай баён этасиз? Қандай изоҳлайсиз? Ахлоқий онг, ахлоқий фаолият, ахлоқий муносабатларнинг ўзаро бирлиги ва ўзига хослигини ифодалаб берингчи? Савол-жавоб, блиц-сўров ўтказилади.	Саволларга жавоб беради.
II-босқич. Асосий бўлим (40 минут)	2.1. Якка тарзда тест саволлари берилади (1-илова). Тест натижалари таҳлил қилинади, хулосаланиб, баҳоланади – 2 балл.	Тест саволларига ёзма равишда жавоб беришади ва ишни топширади.
	2.2. Гуруҳларда ишлаш ташкил қилинади. Ягона савол ўртага ташланади: Ахлоқнинг таркибий тузилиши ва функцияларини-вазифаларини изоҳлаб, таҳлил қилиб, моҳиятини очиб берингчи?	3 та гуруҳга бўлинади.
	2.3. Талабалар уч гуруҳга бўлинади, эксперт вароғи тарқатилади, бажариш методикаси тушунтирилади (3-илова). Баҳо мезонлари доскага осиб қўйилади (4-илова).	Эксперт вароғини олади. Саволга жавоб излайди.
	2.4. Гуруҳлар қўйилган саволларга жавоб беришда жамоа бўлиб, ҳамкорликда ишлаб оптимал тўғри жавобни топишга интилади ва бунга эришиш учун ўқитувчи шундай имкониятни яратишда ташкилотчилик, бошқарувчилик вазифасини ўтайди.	Ҳамкорликда, биргаликда ўқиб, билимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради, такомиллаштиради
	2.5. Берилган фикрлар жамланади, муҳокама қилинади. Натижа эълон қилинади.	Тақдимот қилинади ва ўзаро баҳоланади.
III-босқич. Яқунловчи	3.1. Айтилган энг муҳим, аҳамиятли фикрларга эътибор қаратилади, хулоса	Тинглайди.

(20 минут)	қилинади.	
	3.2.Машғулот жараёнида бажарилган вазифаларга хулоса қилинади, баҳоланади.	Тинглайди.

**ЭСТЕТИКА ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК
МОДЕЛ ВА ХАРИТАЛАРИ**

КИРИШ

Эстетика – нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан. Эстетика фани тадқиқот доирасининг миқёсийлиги ва кўп ёқламалиги. Эстетиканинг фалсафий моҳияти. Эстетика–санъат, бадиий ижод, дизайн, турмуш гўзаллиги, атроф-муҳитни гўзаллаштириш ва эстетик тарбия борасидаги умумий қонуниятлар ҳамда эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) тизими сифатида.

Эстетиканинг бошқа замонавий фанлар билан алоқаси; эстетика ва фалсафа; эстетика ва миллий истиқлол ғояси; эстетика ва руҳшунослик; эстетика ва миллий истиқлол ғояси; эстетика ва социология; эстетика ва диншунослик; эстетика ва педагогика, эстетика ва экология в.х.

Эстетиканинг қамровли ҳиссий-интеллектуал ҳодиса сифатида шахс ва жамият ҳаётини маънавий бойитишдаги амалий аҳамияти.

Эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) – эстетик билишнинг муҳим омили сифатида. Нафосат – эстетиканинг энг қамровли муштарак мезоний тушунчаси.

Гўзаллик тушунчаси; гўзаллик ҳақидаги тасаввурнинг ўзгарувчанлиги; гўзалликка сифатнинг таъсири; гўзаллик ва манфаат; гўзалликнинг санъатда намоён бўлиши; гўзаллик ва хунулик.

Улуғворлик тушунчаси; улуғворликнинг фавқулодда салбий ҳиссиётларга асосланиши; улуғворликка сон ва миқёснинг таъсири; табиатдаги улуғворлик; улуғворликнинг санъатда намоён бўлиши; улуғворлик ва тубанлик.

Фожиавийлик тушунчаси. Фожиавий тўқнашув ва унинг асослари; фожиавийлик ва эстетик идеал; фожиавийликнинг санъатда намоён бўлиши; фожа (трагедия) – санъат жанри сифатида; фожиавий зиддият ва фожиавий қаҳрамон. Фориғланиш.

Кулгилилик мезоний тушунчаси; кулгили ҳолат; кулги ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни; ҳазил ҳисси; кулгилиликнинг санъатда намоён бўлиши ва унинг ифода шакллари (ҳажв, мутоиба, киноя, кесатик, истехзо); кулги (комедия) –санъат жанри сифатида; кулгилининг фориғлантириш хусусияти. Эстетик мезоний тушунчаларининг ўзаро алоқалари.

1 –МАВЗУ.	ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ
------------------	---

1.1. МАЪРУЗАНИ ОЛИБ БОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони 50-70</i>	<i>Ўқув вақти-2 соат</i>
<i>Машиғулот шакли</i>	Кириш визуал мавзу бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Эстетика-нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан 2. Эстетиканинг фалсафий моҳияти. 3. Ўрта асрлар мусулмон шарқида эстетик тафаккур. 4. XIX-XX асрларда эстетик тараққиёт.
<i>Машиғулотнинг мақсади:</i> Ўқув курси ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш. Эстетик дунёқараш, эстетиканинг фалсафий моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолиятини натижалари</i>
Фаннинг мақсади ва вазифалари билан таништиради.	Фаннинг мақсади ва вазифаларини айтиб бера олади.
Фаннинг тузилмаси, ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот беради.	Фаннинг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шакллари, фанни ўрганишда зарур адабиётларни айтиб бера олади.
Эстетика ҳақида тушунча беради.	Эстетиканинг хусусиятларини санаб беради.
Эстетиканинг фалсафий моҳиятини таҳлил қилиб беради.	Эстетиканинг фалсафий моҳиятини санъат асарларига ёндашув асосида изоҳлаб беради.
Ўрта асрлар мусулмон шарқида вужудга келган эстетик тафаккур билан таништиради.	Ўрта асрлар мусулмон шарқида вужудга келган эстетик тафаккурни Марказий Осиё мутафаккирлари қарашлари асосида изоҳлаб беради.
XIX-XX асрларда вужудга келган эстетик тараққиётни изоҳлаб беради;	XIX-XX асрларда шаклланган эстетик тараққиёт жараёнини айтиб беради;
<i>Ўқитиш усуллари ва техника.</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров,
<i>Ўқитиш воситалари.</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари.</i>	Жамоавий ишлаш

Ўқитиш шароити.	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки савол жавоб .

Мавзунинг технологик харитаси

Иш жараёнлари босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	ЎҚИТ УВЧИ	т алаба
1-босқич. Кириш. (20 мин)	1.1. Ўқув курсини номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича барча ўтиладиган таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот ва шарҳ беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қуйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).	Ёзиб олади ва тинглайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	Ёзиб оладилар.
	1.5. 1-ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён этади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. 1-мавзу юзасидан “Кластер” техникаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади, доскага талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб борадилар (2-илова).	Эркин фикр билдирадилар.
2-босқич. Асосий	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчачлар билан таништиради (4-илова).	Тинглайдилар.

бўлим (40 мин)	2.2. Маъруза режасини саволлар бўйича тушунтиради, ҳар бир саволнинг ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади (7-илова). Талабаларга мавзунини жонлантириш учун саволлар беради. 1-савол. Эстетика фанининг мақсад ва вазифаси нимадан иборат? 2-савол. Эстетиканинг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг? 3-савол. Ўрта асрлар мусулмон шарқида шаклланган эстетик тафаккур ҳақида нималарни биласиз? 4-савол. XIX-XX асрларда вужудга келган эстетик тараққиёт ҳақида маълумот беринг? Мавзунинг асосий қисмларига эътибор қаратади ва керакли жойларини ёзиб боришни таъкидлайди. Талабаларнинг фикрларини умумлаштиради ва хулосалади.	Тинглайдилар, слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Таянч ибораларга қайтилади, талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади (Пинборд усулида). Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади (5-илова).	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Барча ахборотни тизмлаштирадилар, конспект қиладилар.
3-босқич. Яқунловчи и	3.1. Мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Тинглайдилар.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Ўзини қизиқтирган саволларни беради.

(20 мин)	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради: “Эстетика – нафосат ҳақидаги фан” мавзусида эссе ёзиб келинг.	Ёзиб оладилар.
	3.4 Яна ушбу мавзу бўйича қандай адабиётлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатиб ўтади.	Ёзадилар.
	3.5. Амалий машғулотда ўтиладиган мавзунинг режаси билан таништиради, тайёрланиб келишни сўрайди (6-илова).	Ёзиб оладилар.

1-илова

МАВЗУНИ ЖОНЛАНТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Эстетика фанининг вужудга келиши тарихи ҳақида маълумот беринг?
2. Гўзаллик фалсафаси нима?
3. Эстетикани фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?
4. Ўрта асрлар мусулмон шарқида вужудга келган эстетик тафаккур ҳақида нималарни биласиз?
5. XIX-XX асрларда вужудга келган эстетик тараққиёт ҳақида тушунча беринг?

КЛАСТЕРНИ ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ


1. Ақлингизга келган барча фикрларни ёзинг. Ғояларнинг сифатини таҳлил қилманг, уларни фақат ёзинг.

2. Ёзувдаги орфография ва бошқа омилларга эътибор қаратманг.

3. Ажратилган вақт тугамагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга бирорта ҳам фикр келмай қолса яна янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизинг.

4. Имкон қадар тармоқланишни кенгайтиринг. Ғоялар орасидаги алоқани ва кетма-кетликни, уларнинг сонини чекламанг.

КЛАСТЕРНИНГ ТУЗИЛИШИ



ЎҚУВ ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


1-слайд

ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ



2-слайд

ЭСТЕТИКАНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ



1.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Талабалар сони 15-30</i>	<i>Ўқув вақти-2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот
<i>Маъруза режаси</i>	1. Эстетика-нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан 2. Эстетиканинг фалсафий моҳияти. 3. Ўрта асрлар мусулмон шарқида эстетик тафаккур. 4. XIX-XX асрларда эстетик тараққиёт.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолиятини натижалари</i>
Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратади:	Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради:
Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.	Тушунчаларга таъриф бера олади: эстетика, гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, бадиий ижод фалсафаси, эстетик тарбия.
Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этади.	Эстетика нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлигини кўрсатиб бера олади.
Ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради.	Эстетиканинг фалсафий моҳиятини ёритиб бера олади.
Мантикий хулоса чиқариши кўмак беради.	Ўрта асрлар мусулмон шарқида вужудга келган эстетик тафаккури ривожда Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларининг аҳамиятини тушунтириб беради.
	XIX-XX асрларда шаклланган эстетик тараққиёт жараёни моҳиятини ёритиб беради.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника.</i>	Ахборотли маъруза, блиц-сўров,
<i>Ўқитиш воситалари.</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шакллари.</i>	Жамоавий ишлаш
<i>Ўқитиш шароити.</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш.</i>	Оғзаки савол жавоб .

Амалий машулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқит увчи</i>	<i>т алаба</i>
1-босқич. кириш. (10 мин)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни “Кичик гуруҳларда ишлаш” орқали амалга оширишини эълон қилади (1-илова).	Тинглайдилар.
	1.2. “Қандай” техникасидан фойдаланилган ҳолда талабаларга: “Нафосатни қандай англаш мумкин?” деб мурожаат қилади (2-илова). Бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди.	Ўз фикрларини эркин билдириб организерни тўлдирадилар ва жавоб берадилар.
	1.3. Талабаларни фикрларини умумлаштириб уларни 4та кичик гуруҳларга бўлади.(4-илова)	Интерфаол усулидан фойдаланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади.
	1.4. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради .	Ёзиб оладилар.
2-босқич. Гуруҳларда ишлаш. (20 мин)	2.1. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади.	Топшириқлар устида ишлайдилар.
	2.2. Олиниши лозим бўлган натижаларни аниқлаштиради. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материалларга эътибор қаратиш лозимлигини тушунтиради (дарсликлар, маъруза матнлари). Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади.	Топшириқлар билан танишади, вазифани бажаради.

3-босқич. Такдимот (40 мин)	3.1. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман қоғозга тушуриб, такдимотини ўтказишда ёрдам беради. Вазифаларни бажарилишига изоҳ беради, билимларни умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди ва хулосалайди.	Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг такдимотини ўтказадилар, баҳс мунозара юритадилар, қўшимча қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар.
4-босқич. Яқунловчи (10 мин)	4.1. Иш яқунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезон орқали рағбатлантиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: “XX асрда эстетика илмининг ривожига содир бўлган туб ўзгаришлар” мавзусида эссе ёзиб келиш.	Вазифани ёзиб оладилар.

ЎҚУВ ВАЗИФАЛАРИ

1-гуруҳ

1. Қуйидаги саволга бир сўз билан жавоб беринг.

1. Гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқ, муъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик каби тушунчалар қандай боғланган?
2. “Нафосат-эстетика фанининг ўрганиш объекти сифатида” мавзусида структурали-мантиқий схема тузинг.

2-гуруҳ

